

ТАСДИҚЛАЙМАН”

НамДУ академик лицей

Директор Д.Хакимов

«17 » август 2022 йил

БҮЮРТМАЧИ:

НамДУ академик лицейи

Наманган давлат университети академик лицейи ётоказонасида
яшаётган укувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш
хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш буйича

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

НамДУ академик лицей -2022

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиха Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартибатомайларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1 ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Наманган давлат университети академик лицейи ётоқхонасида яшаётган ўкувчиларнинг уч махал имтиёзли овқатлантириш хизматини бажариб берувчи корхонани саралаш бўйича умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ётоқхонада яшаётган ўртача 350 нафар ўкувчиларни имтиёзли уч махал овқатлантириш Нонушта тушлик ва кечги таомлар Таълим муассасаларида соғлом овқатланишини ташкил этиш уларнинг ошхона ва буфетларида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ шарт-шароитлар яратилган холда амалга oshiрилади.

Академик лицейларда имтиёзли овқатланиш юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари, якка тартибдаги тадбиркорлар (бундан буён матнда таъминотчи деб аталади) хамда Таълим муассасаси томонидан ташкил этилади.

Таъминотчи (академик лицейнинг масъул ошпази) имтиёзли овқатланиш карточкасини кўрсатган ўкувчиларга журналга тегишли белги кўйган холда уларнинг имтиёзли овқатланишини таъминлаши лозим.

Куйидагилар Таълим муассасаларида соғлом овқатланишини ташкил этишининг асосий вазифалари хисобланади:

ўкувчиларнинг физиологик ёшига мувофиқ озиқ-овқат махсулотларига бўлган талабларини инобатга олган холда уларнинг рационал овқатланишини таъминлаш;

озиқ-овқат махсулотлари ва таомларни ўкувчиларнинг соғлом ўсишида мухим ахамиятга эга бўлган зарур моддалар билан таъминлаш;

ўкувчиларда тана вазнининг меъёрдан ортишининг, организмда йод моддасининг танқислиги ва моддалар алмашинуви жараёни бузилишининг олдини олиш;

озиқ-овқат махсулотлари ва таомларнинг хавфсизлиги ва сифатини кафолатлаш; ўкувчиларда овқатланиш билан боғлиқ юқумли касалликларнинг кенг тарқалишига йўл кўймаслик;

Ўкувчилар ўртасида соғлом овқатланиш кўнкимларини шакллантириш; Таълим муассасалари ошхоналарида сотилиши тақиқланган озиқ-овқат махсулотлари ва таомлар билан савдо қилишнинг олдини олиш;

ўкувчилар учун сифатли озиқ-овқат махсулотлари ва таомлар тайёрлаш

Озиқ-овқат махсулотлари ва таомларни тайёрлашда хамда озиқ-овқат хом ашёсини саклашда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиш.

Таълим муассасалари ошхоналарида хафталик таомномалар Ўзбекистон Республикаси давлат санитария врачи томонидан тасдиқланган озиқ-овқат махсулотларининг таркиби (рецептураси)ни белгиловчи намунавий рўйхатга асосан тузилади. .

Таълим муассасалари ошхоналари ходимлари ошпазлик бўйича тегишли билимга эга бўлиши ва ўз малакасини доимий равишда ошириб бориши зарур.

Бир ўкувчи учун сифатли озиқ-овқат махсулотлари ва таомлар тайёрлаш

миқдорининг 10 фоизигача миқдорда белгиланади.

Бунда:

эрталабки нонушта учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг 24 фоизидан;

түшлик учун харажатлар — кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг 42 фоизидан;

кечки овқат учун харажатлар кунлик белгиланган овқатлантириш харажатининг 34 фоизидан ошмаган холда амалга оширилади.

1.2. Танлов охирги қиймати - жами кўрсатилган хизмат учун ўртacha ой кунлирини 3/2 кисмини бюджет маблағлари хисобидан 693 000 000 (Олти юз тўксон уч миллион) сўмни ташкил этиб, танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал нархдан ошмаслиги керак. Жами бажарилган хизматлар учун кўшимча қиймат солиги билан 693 000 000 (Олти юз тўксон уч миллион) сўм қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 2022 йил 31 декабргача.

2 ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **НамДУ академик лицей** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси хисобланади.
“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси 162 а-уй.

Эл.адрес: namquakl@gmail.com

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов НамДУ академик лицейи “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар кўйилади:
танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўған меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хукуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мулжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда);

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмета бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартиба мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди - қайта ташкил этилиши (ажратилиши, кўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжуд.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойихани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буортмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат килишга хақлидирлар.

4 ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1- Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

a. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

b. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисми "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

c.Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича куйидаги таклифлар:

- Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;
- d. Танлов иштирокчиси:
 - фақат битта тақлиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- a. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- b. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- c. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буортмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6 БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буортмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини. танлов ўтказиш учун

эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундан сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида

№ 1 илова

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар руйхати

1. Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати.(ф-2)
2. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот (ф-3).
3. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, маҳсус ихтисослаштирилган асосий воситалар тўғрисида маълумот.
5. Молиявий кўрсаткичлари.
6. Мазкур соҳада бажарилган ишлар бўйича камидан 1 йиллик иш тажрибаси тўғрисида
7. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тўғрисида маълумот (5-10 йиллик стажларга ижобий қаралади)
8. Тижорий таклифларни баҳолаш (хизматлар балл система томонидан)

ИШТИРОКЧИ МАХСУС БЛАНКАСИДА

№ : _____

Сана : _____

Харид комиссияси раисига

КАФОЛАТ ХАТИ

Ушбу орқали шуни маълум қиласизки, _____ (корона номи)

Тугатиш, қайта ташкил этиш ёки банкротлик ёқасида эмаслиги;

Суд ёки арбитраж мухокамалари холатида эмаслиги;

Муқаддам тузилган шартномалар доирасида мажбуриятларни бажармаслик холатлари мавжуд эмаслиги;

«Инсофсиз ижрочилар» ягона реестрида эмаслиги;

Иш хақи, солиқ ва бошқа давлат мажбурий тўловларидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлаймиз.

Имзолар:

Рахбар: _____ (ф.и.о) _____

Бош хисобчи _____ (ф.и.о) _____

Хукуқшунос _____ (ф.и.о) _____

Иштирокчи тұғрисида тұлғы умумий маълумотлар

| | | |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--|
| 1 | Юридик ташкилотнинг тұлғы номи, ташкилий хуқукий формаси күрсатылған холда | |
| 2 | Давлат рўйхатидан ўтганлик тұғрисида гувохнома (санаси, рўйхатдан ўтганлик рақами, рўйхатдан ўтказилған орган номи) | |
| 3 | Юридик манзили | |
| 4 | Контакт телефон, факс, e-mail | |
| 5 | Банк реквизитлари | |
| 6 | Асосий фаолият тури | |

**Талаб қилинаётган ёки үхшаш турдаги хизматларни бажариш тажрибаси тұғрисида
Маълумот**

| № | Хизматлар номи | Буюртмачи номи ва манзили, телефон рақами | Бажарылған санаси, суммаси | Изоҳ |
|---|----------------|-------------------------------------------|----------------------------|------|
| | | | | |

(ваколатлы шахс имзоси)

(ваколатлы шахс ф. и. о, лавозими) _____

Сана: « ____ » 2022 ый.

Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электронный шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жиҳатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг куйидаги критерийларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

Танлов таклифларини хамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш КРИТЕРИЙЛАРИ

| № | Критерийлар номи, мазмуни | Форма | баллар | % хисобида |
|----|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------|--------|---------------|
| 1. | Мавжуд техникаси (балансида мавжудлиги бўйича маълумот ва фото лавхалар), молиявий хисботлари (3 йиллик форма-1 ва форма-2 хисботлар) | Форма №2 | 20 | |
| 2. | Соликлар (солик маълумоти) ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг (банк маълумоти) мавжуд эмаслиги; | | 5 | |
| 3. | Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги; (давлат активлар бошқармаси маълумоти), Инсофизиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги. (биржа маълумоти) | | 10 | |
| 4. | Умумий овқатланиш хизматида камида икки йиллик тажрибага эга бўлиши; | | 10 | 90% |
| 5. | Аутсорсинг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига teng айланма маблағларининг мавжудлиги; (банк маълумтономаси) | | 15 | |
| 6. | Тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислар (муҳандис-технолог, диетолог, ошпазлар) малака разрядлари кўрсатиши; (диплом, сертификатларива тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғриси маълумотлар) | | 10 | |
| 7. | 2022-2023 йил куз-киш мавсуми захира режаси асосида озиқ овқат захираси мавжудлиги тўғрисида тасдиқланган маълумтонома. (картошка 12000 кг, сабзи 2000 кг, пиёз 2000 кг, гуруч 2500кг, карам 2000 кг ва бошқа махсулотлари). | | 10 | |
| 8 | Хизмат кўрсатувчи томонидан муассасанинг ошхона биноси учун киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари бўйича маълумот. | | 10 | |
| 9 | Академик лицей томонидан белгиланган соғлом овқатлантиришини ташкил этиш лойиҳасини (таомнома менюси ККАЛ) тақдим этилиши | | 10 | |
| 10 | Ишларни бажариш бўйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан) | | | 10% |

Наманган Давлат Университети академик лицей ёткхонсида яшаткан талабаларнинг 2022 йил Сентябр, Октябр, Нообр ва Декабр ойларида ўргача ой кунлирини 3/2 кисми Бюджет маблағлари хисобидан **ШХВ 100010860144017092500079001** овкатлантириши ташкил этили харажатлари түррисида

АУТСОРСИНГ МАЪЛУМОТНОМАСИ

| № | Амалга оширилган кузда тутилган хизматлар номи | ўл. бир. | Аутсорсинг хизмат нархи | Ўқувчилар ўргача сони | Жами сума | ўргача кунлар сони | Жами | Изоҳ |
|---|------------------------------------------------|----------|-------------------------|-----------------------|------------|--------------------|-------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 1 | Ноунушта | порси | 7 200 | 924 | 6 652 800 | 25 | 166 320 000 | Ўз.Рес.Президентининг 2017 й. 26 сентябрдаги 3290-сон карор |
| 2 | Тушлик | порси | 12 600 | 924 | 11 642 400 | 25 | 291 060 000 | Ўз.Рес.Президентининг 2017 й. 26 сентябрдаги 3290-сон карор хамда Уз.Рес.Ваз.Мах. 2016 й. 2-майдаги 132 сонни карорига мувофик |
| 3 | Кечки овкат | порси | 10 200 | 924 | 9 424 800 | 25 | 235 620 000 | Ўз.Рес.Президентининг 2017 й. 26 сентябрдаги 3290-сон карор хамда Уз.Рес.Ваз.Мах. 2016 й. 2-майдаги 132 сонни карорига мувофик |
| | ЖАМИ: | | | | | | 693 000 000 | |

ЁБИБДУ
МИИБДУ
Бош бухгалтер

Н.Исординов
К.Нажмидинов
Д.Муминов

Наманган Давлат Университети академик лицей талабаларини уч махал исси овқат билан таъминлаш тўғрисида 2017 йил 26-сентябрдаги ПК 3290 карорига асосан аутсорсинг хизматини бажариш учун ўртacha ой кунлирини 3/2 кисми Бюджет маблағлари хисобидан **ШХВ 100010860144017092500079001**

МАЪЛУМОТНОМА

| Ойлар номи | Ўқувчилар ўртacha сони | Ўртacha кунлар | Бир ўқуквчига, уч махал иссиқ овқат нархи | | Жами сумма |
|---------------------|------------------------|----------------|-------------------------------------------|--|--------------------|
| Январ | | | | | |
| Феврал | | | | | |
| Март | | | | | |
| 1-чорак жами | | | | | |
| Апрел | | | | | |
| Май | | | | | |
| Июн | | | | | |
| 2-чорак жами | | | | | |
| Июл | | | | | |
| Август | | | | | |
| Сентябр | 350 | 15 | 30 000 | | 157 500 000 |
| 3-чорак жами | | | | | 157 500 000 |
| Октябр | 350 | 17 | 30 000 | | 178 500 000 |
| Ноябр | 350 | 17 | 30 000 | | 178 500 000 |
| Декабр | 350 | 17 | 30 000 | | 178 500 000 |
| 4-чорак жами | | | | | 535 500 000 |
| Йиллик | | | | | 693 000 000 |

Академик лицей директори:

Д.Хакимов

МИИБДУ:

К.Нажмиддинов

ММИБДУ:

Н.Исординов